Фукаролар урушида эришган галабаларидан магрурланиб, жахон инкилоби васвасасига тушган совет Русияси конли тигини Шаркка каратди. Дастлаб, халкаро меъёрларга зид равишда, 1920 йил февралида Хива хонлиги тугатилди ва советлаштирилди. Шаркка элтадиган мухим стратегик макондаги Бухоронинг мустакил яшаши хам совет Русиясига ёкмади.

Натижада, Туркистон фронти кўшинларининг кўмондони Михаил Фрунзе Бухорога карши харбий харакатларни тезлаштиришни сўраб, 1920 йил 31 июлда Ленинга куйидаги мазмунда телеграмма жўнатди:

"...Бухоро амири бизга карши зўр бериб урушга тайёрланмокда. У Афгонистон билан харбий иттифок тузди. Амирлик шу тарика яшаб турса, бизнинг Шаркдаги сиёсатимиз кўл-оёксиз колади. Туркистон фронти Харбий-революцион кенгаши, Турккомиссия ва ўлкадаги бошка хукумат ташкилотлари амирлик масаласини якин кунларда хал килишга келишиб олди. Бу сохада куйидаги тайёргарлик ишлари амалга оширилди:

- 1200 кишилик Бухоро кизил армиясини ташкил этиш ишлари охирига етказилди;

- хукумат таркиби тузиб чикилди. Барча органлар ва идораларга лойик кишилар танланди.

Амирликни тугатишда кизил кўшинлар асосий вазифаларни бажаришга тайёр. Бухоронинг халкаро вазияти хам яхши эмас. Жамол пошо билан сухбатдан шу нарса аникландики, Туркия томони амирликни тугатишга карши эмас. Омонуллахон эса Афгонистондаги ички кураш билан банд бўлгани учун Бухорога хеч кандай ёрдам бера олмайди. Эрон масаласига келсак, у ердаги ишларни бизнинг дипломатларимиз хал килади. Шуларни хисобга олиб, кулай фурсатдан фойдаланиш учун, марказ рухсат берса, 20 августларда хал килувчи харакатларни бошлаймиз" (П.А.Шевоцуков. "Страницй истории Гражданской войнй". М., 1992, стр. 180-181). Туркфронт кўмондони М.Фрунзе, аъзолари В.Куйбишев, Ю.Ибрагимов".

Шуни кутиб тургандек, РСФСР Куролли кучлари Бош кўмондони С.Каменев ва Бош штаб бошлиги томонидан "рухсат берилсин" деган жавоб келади. Бундан рухланган Михаил Фрунзе 1920 йил 12 августда амирликка бархам бериш максадида тўрт гурухдан иборат харбий корпус тузишга буйрук беради. Бу Чоржўй, Когон, Каттакўргон ва Самарканд гурухлари бўлиб, барчаси ягона Самарканд-Бухоро фронтига бўйсундирилади. Мазкур фронтнинг шахсий таркиби куйидагича эди: 7 минг пийода, 2,5 минг отлик аскар, 5 та огир тўп, 35 та енгил тўп, 206 замбарак, 5 бронепоезд, 5 бронеавтомобил ва 11 аэроплан (Воэнно-исторический журнал, №10, 1940; стр. 72).

Амир армиясида 16 минг сарбоз бўлиб, сафарбарлик эълон килинса, 27 минг сарбоз тўплаш мумкин эди. Бу кўшинда 55 та эскирган тўп ва 12 пулемёт бор эди (Х.Ш.Иноятов. Народи Средней Азии в борбе против интервентов и внутренней контрреволютсии. М., 1984, стр. 345). Кучлар нисбатига караганда амир кўшини сон жихатдан кўпрок бўлса-да, техник ва харбий махорат бобида Кизил армия устунлиги аён эди. Чунки Бухоро сарбозларига мутлако нотаниш зирхланган автомашиналар, поездлар ва аэропланлар феодал амир армиясига карши турар эди.

Шу тарика мустакил Бухоро амирлиги такдирини куролли йўл билан хал килишга киришилди. Бу орада - 16-18 августда Чоржўйда БКПнинг ИВ съэзди бўлиб ўтди. Унда 110 делегат иштирок этди ва мутлак кўпчилик овоз билан съезд буржуа партиялари таркатиб юборилгани хамда амирга карши кўзголон кўтариш тўгрисида карор кабул килди. Болшевикларнинг усталик билан ўйлаб топган режалари амалга оша борди. Тарихда "ялпи кўзголон" деб ном олган харакат 23 август куни бошланди. Бешим Сардов бошчилигидаги ёлланган туркман отликлари ёрдамида эски Чоржўй ишгол килинди. 100 дан ортик бек амалдорлари асир олинди. Беклик хазинаси кўлга киритилиб, бу

бойликлар дархол Чоржўй ревкоми ва янги хокимияти кўлига ўтди. Бек эса кочиб кетди. Келишилганидек, шу куни Чоржўй ревкоми "бутун Бухоро халки" номидан ёрдам сўраб Туркистон фронтига мурожаат килди. Олдиндан тайёрланган режа бўйича Туркистон фронти кўмондони Фрунзега шундай "окловчи" хужжат зарур эди.

Чоржўй ревкомининг мурожаатини олган кўмондон 1920 йил 25 августда 3667-ракамли мутлако махфий буйрукни эълон килди: "Бухоро халкига инкилобий ёрдам бериш максадида Самарканд-Бухоро фронти 28 август кечгача харбий харакатларни бошласин. Асосий кучлар Эски Бухоро атрофига тўплансин...

Буюраман: Эски Бухоро эгаллансин. Душман кучлари шимоли-шаркка улоктириб ташлансин. Сўнг Чоржўй, Когон, Каттакўргон гурухлари хамкорлигида душманнинг Вобкент, Гиждувон, Вангозе ва Бахоуддиндаги кучлари тор-мор этилсин. Туркфронт кўмондони М.В.Фрунзе".

Буйрукка асосан тузилган 4 гурухнинг хар бирига алохида-алохида харбий вазифа юклатилган эди.

1. Самарканд гурухи - 29-30 августда таркибида 3-Туркистон ўкчи полки, 1-Туркистон отлик дивизияси, алохида Туркистон отлик бригадаси, инженерлар ротаси ёрдамида Шахрисабз-Китоб йўналишида харакат килиб, Кашкадарё вохасига чикиши, Карши ва Гузорни эгаллаши керак.

2. Каттакўргон гурухи - шу кунлари иккинчи интернационал кавалерия полки билан Хатирчи ва Зиёвуддин шахарларини ишгол этиши лозим.

3. Чоржўй гурухи - таркибида 4-ўкчи полк, 8-ўкчи полкнинг бир баталони, артдивизия, отлик дивизия ва туркманлар отряди ёрдамида 29 август куни эрталаб соат 4.00 да Чоржўйни эгаллагандан сўнг Бухоро-Термиз ва Амударё чизигини кузатиб, Афгонистон чегарасини назорат килиши зарур.

4. Асосий вазифа Когон гурухи зиммасига тушди. Унинг таркибида Янги Бухоро (Когон) ва Карши гарнизони, 4-отлик полк, 1-шаркий мусулмон полки ва 7-ўкчи полк бўлиб, гурухга Эски Бухоро калъасини эгаллаш вазифаси юкланган эди.

Операциянинг ўта махфийлигини таъминлаш максадида 27 августда Михаил Фрунзенинг 017-ракамли яна бир буйруги эълон килинди. Унинг мазмуни куйидагича эди: "Каттакўргондан Когонгача бўлган масофада юраётган эшелонларнинг барча ойналарига гилоф тортилиб, факат томдаги туйнуклар очилсин. Вагонларга РКП(б) вакилларидан бошка хеч ким якин келмаслиги хакида огохлантирилсин".

29 августда 23-бронепоезд Когондан 14 км жануби-гарбдаги Мангит кишлогига келиб тўхтади. Соат бешларда вагонлардаги аскарлар тушиб, юкларни мўлжалланган омборларга жойлаштира бошлади. Аскарларнинг аксарияти каэрга келганини хам билмас эди. Шу кундан эътиборан Когонга кириш йўллари очик бўлса-да, у ердан хеч ким чикарилмади", деб хотирлайди шу вокэалар бошида бўлган дивизия кўмондони

В.Клементев (Вопросы истории, №7, 1993; стр. 4).

Эски Бухорони кўлга киритиш учун асосий зарбани Когон гурухининг чап каноти Шайх Жалол ва Коракўл дарвозалари оркали бериши керак эди. 29 август соат 9.50 да бронепоезддан туширилган десант Обшор кишлогини эгаллаб, Шайх Жалол дарвозасига якинлашди. 31 август куни 10-, 5- ва 12- Туркистон ўкчи полклари, 4-полк, 28-бронепоезд, 53-автобронеотряд ва огир артиллерия батареяси Карши дарвозасига келиб тўхтади.

Карши дарвозаси якинидаги темир йўлда турган 28-бронепоезд шахарни шафкатсизлик билан ўкка тутди. Шахар ўт ичида колди. Факат августнинг охири - сентябр бошларида Бухоро шахрига 12 минг снаряд ва бир неча миллион патрон сарфланди (Война в песках. Под.ред. М.Горкого, И.Минца и Ф.Колесова. М., 1935, стр. 292). Бу кучлар билангина белгиланган вактда шахарни олиш мушкул бўлгани сабабли уни хаводан туриб бомбардимон килиш карорига келинди ва 31 август куни Чоржўйдан 25 авиаотряд ёрдамга чакирилди. Улар келгунча 43-авиаотряд бомбардимонни бошлаб юборди. Учувчи Фаусекнинг хотирлашича, "Когон якинидаги аэродром Туркистон тарихида мисли кўрилмаган бир томошани эслатар эди. Бу ерда самолётларнинг "Фарман", "Фарсел", "Сопвич", "Нюпор", "Баузен" ва "Албатрос" каби турларини кўриш мумкин эди".

Кадимий Бухоро ана шу тарика хам ердан, хам хаводан бомбардимон килинди. Шахарнинг Карши, Самарканд дарвозалари остига порох (динамит) кўмиб, портлатиб юборилди. Кизил армия кўшинлари вайрон бўлган деворлар оркали шахарга кирди ва кўча жанглари бошланиб кетди. Шахар ахолиси айникса аэропланлар хужумидан вахимага тушди. Амир Олимхон Бухорони бутунлай вайрон бўлишдан саклаб колиш учун 31 августдан 1 сентябрга ўтар кечаси Мохи Хоса оркали Гиждувон томонга чекинди. Бундан хабар топган аксар бухороликлар хам она шахрини ташлаб амир оркасидан кетишга мажбур бўлди.

1 сентябр куни кизил армия кисмлари шахарга кирди. Арк эгалланиб, ундаги бойликлар кўлга киритилди. Амирнинг кочишга улгурмаган онаси, синглиси, хотини, уч ўгли, кариндошлари ва амалдорлари асир олинди.

Аммо Бухоро фожиаси шу билан тугамади. Шахарни бомбардимон килиш ва ахолини талаш давом этди.

Шахар камалининг бошида турган Н.Зиновев бундай хотирлайди: "Шахар асосан ёнгиндан ёмон зарар кўрди. Кўчаларда ўлик шунчалик кўп эдики, уларни йигиштиришга улгуриб бўлмасди" (А.Гафуров, У.Рашидов. Бухоро Халк советлар жумхурияти тарихидан лавхалар /1920-1924/. Т, 1992, 10-бет).

"Бухоро халк инкилоби" никобидаги бу боскинчилик натижасида шахар уч кун мобайнида 11 аэропландан бомбардимон килинди. Унинг бешдан бир кисми вайрон этилди (Вопросй истории, №7, 1993; стр. 42). Куролсиз кексалар, аёллар ва болалар устидан "8 маротаба учиб ўтиб бомбардимон килган учувчи Ласкин Кизил Байрок ордени билан мукофотланди" (История гражданской войны в Узбекистане, Том ИИ. Т., "Фан", 1970, стр. 153).

Совет аэропланлари 1-2 сентябр кунлари амирни кидириб топиш бахонасида Бухоро атрофидаги кишлокларни ва ажойиб обида - амирнинг ёзги саройи Ситораи Мохи Хосани хам бомбардимон килди. Бу жараённинг фаол иштирокчиси учувчи Фаусек аэродромга кўнгач, бундай деб мактанган экан: "Биз Бухорони бомбардимон килдик. Кадимий амирликни вайрон этдик. Хусусан, машур "Ажал минораси"га тушган бомба мохиятан мутлако бефойда бўлса-да, менга алохида завк-шавк багишлади (Война в песках. Под ред. М.Горкого, И.Минца и Ф.Колесова. М., 1935, стр. 303). Иккинчи бир учувчи ўз вахшийлигини куйидагича хотирлаган эди: "Кўлимда бомбани ушлаб пастга карайман, хашаматли масжид... унинг гумбазини мўлжаллаб бомба ташлайман, гумбурлаб яксон бўлади... Кейинчалик менга "кум-пол" деб лакаб кўйдилар". Ана шу гувохлар эътирофиёк Бухоро халкига "ёрдам"га келган армиянинг хакикий башараси ва ниятини англаш учун кифоя килади.

Яна бир мисол. Бухородаги кизил аскарлар зўравонлиги ва таловини озми-кўпми очиб беришга уринган Туркистон инкилобий-харбий бюро "учлиги"нинг аъзоси А.Машицкий 1920 йил сентябрининг бошида Бухорода кўрганларини Владимир Ленинга бундай баён этади: "Шахар маркази яксон килинган, Регистон ёндирилган... Бухоро олингандан сўнг шиддатли ёнгин, мисли кўрилмаган талов ва кафандўзлик бошланди. Регистон ертўлалари ва омборларидаги барча бойликлар таланган, ёнмайдиган каттакон сандиклар бузилган... Таловда кизил армия иштирок этиб, мол-мулк ортилган икки эшелон Тошкентга жўнатилди". Бу мухим хужжат Русия давлат архивларидан якинда топилди.

Яна таажжубланарли бир хол: Бухорони ер билан яксон килишга буйрук бериб, бойликларини талашга ва тинч ахоли устига бомбалар ёгдиришга бош-кош бўлган Туркфронт кўмондони Михаил Фрунзе хамда реввоенсовет аъзоси Ю.Ибрагимов "Бухоро инкилобида фаол иштирок этгани учун" олтин килич билан мукофотланади.

Хуллас, ўзи танг ахволда колган, ёрдамга мухтож совет Русияси ана шундай ёрдам кўрсатиш никобида "бор-буди"ни Бухорога ташлади. Аслида эса, "...уларга Бухоронинг пилласи, тилласи, кумуши, пахтаси, ипак ва коракўл териси керак эди" (Ф.Киличев. Мустакилликнинг фожиали йўли. "Шарк юлдузи", 1992, 7-сон, 151-бет).

Болшевиклар Октябр тўнтаришидан сўнг чор Русиясидан мерос колган 1 миллиард 64 миллион 300 минг олтин сўмга эга эди. Бу маблагдан Брест сулхи бўйича Германияга 812,5 миллион олтин сўм тўланди. Хазинанинг 235,5 миллион сўми адмирал Колчак кўшинлари томонидан ўлжа олинди. Колган 575,5 миллион сўм пул инкилобни куткариб колишга урвок хам бўлмас эди. Бухоро хазиналарига интилишнинг бош сабаби шу бўлса ажаб эмас. Осиё ва бутун жахондаги машур шахар - Бухорои шариф бундай шафкатсиз бомбардимон килиниши, минора, мадраса ва макбараларининг вайрон этилиши Москвадаги рахбарлар томонидан хар тарафлама рагбатлантириб турилди. Туркфронт кўмондони Михаил Фрунзенинг 1920 йил 3 сентябрдаги буйруги хам фикримизни тасдиклайди: "Барча озик-овкат захиралари (нон, галла, гуруч, ем-хашак), амир армиясини таъминловчи бекларнинг харбий ва озик-овкат омборлари тезда Туркистон фронти хисобига ўтказилсин. Эгалланган курол-аслаха ва бинолар Туркфронт мулки деб эълон килинсин... Кўлга киритилган Аркдаги барча бойликлар каттик назорат этилсин.

Бирорта темир сандик ва халталар (коплар) очилмасин. Барча олтин ва кимматбахо буюмлар рўйхатга олиниб, мухрланган холда тезда Самарканд банкига топширилсин" (ЎзРМДА, 46-ф., 1-рўйхат, 81-иш, 1-бет).

Бухорода карийб 15 сентябргача давом этган таловларни ўз кўзи билан кўрган Турккомиссия вакили Г.Сафаров эътирофича, "Бухорога келган рус кўшинлари ва кизил гвардиячилар энг аввало талончилик ва зўравонлик билан шугулланди. Улар дуч келган хамма нарсани талади" (Г.Сафаров. Колониалная революция (Опйт Туркестана). М., 1921, стр. 80).

Бу вокэаларнинг бевосита гувохи бўлган Бухоро боскини рахбарларидан Г. Зиновев кизил армиянинг очкўзлиги хакида Москвага куйидагича хисобот юборган эди: "Уч кунлик таловдан сўнг Эски Бухоро катта зарар кўрди, амир калъаси ўмарилди, кўп олтин ўгирланди" ("Навкирон Бухоро". 1992 йил, 14 август).

"Инкилоб"нинг дастлабки кунларидаги талон-тарож натижасида кўлга киритилган бойлик: олтин, кумуш, кимматбахо буюмлар ва коракўлтери киплари 14 вагонга жойланиб, тўгри Москвага жўнатилди.

Бу бойликлар-ку санокли шахсларга тегишли эди. Кексаларнинг хикоя килишича, Бухоро шахри ва бекликлардаги минг-минглаб бадавлат кишиларнинг ота-мерос мулки хам шу тарика хаксиз тортиб олинган. Бундан ташкари, Бухоро амири, беклари ва бойларининг мулки махсус фармон хамда буйруклар асосида мусодара килинган.

Гувохлар маълумотига кўра, "Амир хазинасини талаш жараёнида кизил аскар ва командирлар олтину кумушлар устида юриб, кадимги кимматбахо санъат буюмларини ўгирлаган" ("Вопросй истории", №7, 1993, стр. 51).

ВЧКнинг Туркистондаги вакили Ян Петерс 1920 йил сентябрда Владимир Ленинга куйидагича ёзма ахборот юборган эди: "Бир неча кун олдин мен Бухоро группасининг собик кўмондонини камокка олдим. Чунки тинтув чогида ундан бу ерда талаб олинган бир коп олтин куймаси, тилла буюмлар, пул ва кумуш топилди. Назаримда, Бухоро юриши юзасидан алохида текширув комиссияси ташкил этиб, бу тартибсизликларни аниклаб чикиш лозим".

"Бухоро инкилоби"дан бир неча кун ўтгач Москвага жўнаган Туркистон фронти кўмондони поездининг ВЧК ходимлари томонидан тинтув килиниши ана шу ахборот самараси бўлган дейиш мумкин. Бу масала 1920 йил 25 сентябрида Туркистон Республикаси хукумати доираларида хам мухокама килинган. 1920 йил 7 сентябрда Бухоро Республикаси мулкини хисобга олиш ва кўриклаш комиссияси тузилади. Комиссия сентябрнинг бошларида ўз вакилларини Чоржўй, Кармана, Зиёвуддин, Хатирчи, Шахрисабз, Китоб, Термиз, Гузор ва Чирокчига юбориб, кочиб кетган бекларнинг мулкини мусодара килади (ЎзРМДА, 46-ф., 1-рўйхат, 7-иш, 6-бет).

Шахрисабзни эгаллаган кизил аскарлар у ерда катта микдордаги олтинни кўлга киритган (Боэвой пут Туркестанского воэнного округа. М., 1959, стр. 133). Бундан ташкари, пахта

захиралари, жун, ипак, коракўлтери, куритилган мевалар хам мусодара килинган. Бухоро чегаралари тўлик Русия кўшинлари билан кўрикланиши белгиланган. Хатто махсус буйрукда "Хозирги кунларда Бухоронинг ўз кўшинлари бўлмагани сабабли республика чегараларини Русия армияси кўриклаб туради", дея таъкидланган (УзРМДА, 1-рўйхат, 2-иш, 32-бет). Бу, албатта, сиёсий найранг, бошкача айтганда, мустамлакачиликнинг янги кўринишидан бўлак нарса эмас эди.

Шу тарика Бухоро жахондан ажралиб, болшевиклар исканжасига тушди. Кўз кўриб кулок эшитмаган бу "инкилоб" Бухоро халкига катта моддий зиён етказди. Бухоро маънавий жихатдан хам бенихоя зарар кўрди. Айникса, масжид-мадрасаларнинг вайрон этилиши, бузилмай колганларининг эса кизил кўшин отхоналарига айлантирилиши, мукаддас китобларнинг оёкости килиниши советлар сиёсати аввал-бошданок адолатсизлик асосига курилганидан далолат беради. Бу тузумнинг бор-йўги етмиш йилда чок-чокидан сўкилиб кетгани хам хаксизликнинг умри киска экани хусусидаги аччик, лекин хакконий хулосага олиб келади.

Умар Рашидов,
«Тафаккур» журналининг 2007 йил, 4-сонидан олинди.